

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМУҲАМатов АХРОР ШАРИПОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН
БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРИ**

07.00.07. -Этнография, этнология ва антропология

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Эшмуҳаматов Ахрор Шарипович

Жиззах воҳаси аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ урф-одат ва
маросимлари 5

Эшмуҳаматов Ахрор Шарипович

Обычаи и обряды скотоводческого населения Джизакского оазиса..... 27

Eshmukhamatov Akhror Sharipovich

Livestock breeding customs and rituals of the population of the Jizzakh
..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМУҲАМАТОВ АХРОР ШАРИПОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН
БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРИ**

07.00.07. -Этнография, этнология ва антропология

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз-2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.1.PhD/Таг.662 рақам билан
руйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.ter-su.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)
манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дониёров Алишер Худайбердиевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Нурулла Нарзуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент

Бабабеков Акбар Довурбоевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори, PhD

Ўтақчи ташкилот:


Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD 03/30.12.2019 Таг 78.02 рақамли Илмий
кенгашнинг 2022 йил "17" 09 куни соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:
Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. ТерДУ, 2-бино, 4-қават мажлислар зали). Тел.:
(99876) 223-13-44. E-mail: termizdu@mail.uz

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида таништириш
мумкин (76 рақам билан руйхатга олинган). (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод
кўчаси, 43-уй). Тел/факс: 03762217690.

Диссертация автореферати 2022 йил "29" 08 куни тарқатилди.
(2022 йил "29" 08 даги 76 рақамли реестр баённомаси билан).




С.Н. Турсунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

Ҳ.Э. Холмўминов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н., доцент


А.О. Қибуллов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув туфайли содир бўлаётган этнодемографик жараёнлар таъсирида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби ва эҳтиёжлари ортиб бораётганлиги тасдиқланмоқда. Бу эса ЮНЕСКО нинг 2001 йил “Маданий хилма-хиллик тўғрисида” ги умумжаҳон декларациясига¹ мувофиқ, аҳолини чорвачилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимларига хос бўлган моддий ва маънавий маданиятнинг локал хусусиятларини тадқиқ этиш асосида халқларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш омилларини аниқлаш муҳим масалага айланмоқда.

Дунёнинг АҚШ, Англия, Франция, Россия, Германия ва Хитой каби ривожланган мамлакатларининг етакчи антропологик ва этнологик тадқиқот марказлари аҳолининг чорвачилик билан боғлиқ этнолокал хўжалик анъаналарининг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, кундалик ҳаётга таъсири, диний қадриятлардаги аҳамияти, сақланиб қолиш сабабларини очиқ беришни асосий вазифа қилиб қўймоқда. Хусусан, Марказий Осиё республикалари аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари бўйича кундалик турмуш тарзи ва моддий маданиятидаги ўзгаришлар юзасидан илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Янги тараққиёт стратегиясига асосланган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самараси туфайли аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида кичик ва ўрта бизнес асосида оилаларда чорвачиликни ривожлантириш учун оилавий ишбилармонликка алоҳида эътибор берилмоқда. Республиканинг турли минтақаларида сақланиб келган деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликка оид этнолокал хусусиятларни тадқиқ қилишда қадимий тарихимиз ва маданиятимизга оид янги илмий тадқиқотлар ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга². Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб, ушбу мавзуда Жиззах воҳаси аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ қадимий урф-одатлари ва маросимларини ўрганиш ва тарғиб қилиш мавзунинг долзарблиги ва заруриятини аниқлашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони, 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2841-сон, 2019 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4243-сон, 2019 йил 16

¹[https://nrm.uz/contentf?doc=122761_yuneskoning_madaniy_turli-tumanlik_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_umumjahon_deklaratsiyasi_\(2001_yil_2_noyabrda_parijda_yunesko_bosh_konferenciyasining_31-sessiyasida_qabul_qilingan\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=122761_yuneskoning_madaniy_turli-tumanlik_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_umumjahon_deklaratsiyasi_(2001_yil_2_noyabrda_parijda_yunesko_bosh_konferenciyasining_31-sessiyasida_qabul_qilingan)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

² Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2021. – Б. 37.

августдаги “Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” ги ПҚ-4420-сон қарорлари, ҳамда соҳага оид бошқа ҳукуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзуга доир адабиётларни беш гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Воҳа тарихига доир қадимги даврдан то Россия империяси давригача яратилган манба ва адабиётлар; 2) Россия империяси мустамлакачилиги давридаги асарлар; 3) Совет даври тадқиқотлари; 4) Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар; 5) Чет давлатларда ушбу масалага доир адабиётлар.

Диссертация биринчи бобининг иккинчи параграфида адабиётлар шарҳи батафсил берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетининг илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах воҳаси аҳолиси чорвачилик хўжалигининг минтақага хос хусусиятлари, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларини тарихий-этнографик материаллар асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чорвачиликка оид назарий-методологик ва тарихшуносликка оид ёндашувларни таҳлил этиш;

анъанавий чорвачилик хўжалигининг ташкил топиши ва унинг локал хусусиятларини очиб бериш;

чорвачилик хўжалигида қорамолчилик ва аҳоли турмуш тарзида юк ҳайвонларининг ўрнини ёритиб бериш;

таомларда чорва маҳсулотларининг ўрни ва улар билан боғлиқ урф-одатларни баён этиш;

чорва хунармандчилиги билан боғлиқ урф-одат, маросимлар ва анъаналарни ёритиб бериш;

Жиззах воҳаси аҳолисининг чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ урф-одат ва маросимларини очиб бериш;

воҳа аҳолисининг кундалик турмуш тарзида, хунармандчилик анъаналари ва овқатланиш маданиятида чорвачилик хўжалигининг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

Жиззах воҳасининг туристик имкониятларини оширишда юк ҳайвонлари (от ва туя) билан боғлиқ туристик саёҳатларни ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах воҳаси аҳолисининг чорвачилик анъаналари, урф-одат ва маросимлари белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини Жиззах воҳаси аҳолисининг анъанавий хўжалигида қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик ва туячилик билан боғлиқ турмуш тарзи, чорвачилик билан боғлиқ турли урф-одат ва маросимлар, овқатланиш маданиятининг этнолокал хусусиятлари таҳлили ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий таҳлил, кузатув, интервью, анкета сўровнома ва суҳбат каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жиззах воҳасида анъанавий чорвачилик хўжалигининг қадимдан шаклланган меридионал, вертикал ва стационар тарзда қўчиш турлари шаклланганлиги натижасида яйлов чорвачилиги, ҳайдов ва қўра (оғил) яйлов усуллари ривожланиб, йиллар давомида ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги далилланган;

чорвачилик билан боғлиқ бўлган чўпон солиш, ошолон, қўй чиқариш каби урф-одат ва анъаналар, чорва ёши, чорва йил ҳисоби каби халқ билими намуналари тобора йўқ бўлиб кетиш арафасида эканлиги, уни сақлаб қолишнинг ягона йўли минтақада экотуризм соҳасини ривожлантириш зарурлиги аниқланган;

аҳолининг чорва молларини (туйнак, овсил, қўтир, дамлаш касалликлари, табиий дезинфекция ва қатолок) даволашда қўлланиладиган усуллари (гиёҳлар билан даволаш, дам чиқариш, куйдириш, қон олиш) билан боғлиқ кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва анъанавий усулларига асосланган халқ табobati намуналари аҳоли орасида бугунги кунгача сақланиб қолганлиги далилланган;

Жиззах воҳаси чорвадорларининг турли таомларни тайёрлаш, сақлаш ва дастурхонга тортишда фойдаланиладиган мандир, кирмич (қирмоч), чуччи қатик (чучук), зардоб, айрон (чакки), қурут, қоринмой, қуртова, кат думба, қозон патир, янчмич (жанчмич, жажмиш), сутли ўпка, сутли човоти, гилагай, катрон, қағанок, қуртоба, ширкади, шунингдек толтовоқ, ирkit, чаноч (саноч), гўшт халта ва бошқа ўзига хос этнолокал таомномаси ва идишлари йиллар давомида диний, ҳудудий ва касбий жиҳатлар таъсирида шаклланганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жиззах воҳасидаги анъанавий чорвачиликнинг локал хусусиятлари, уларнинг аҳоли хўжалигидаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари, мамлакатда чорвачилик ривожининг тарихий-этнографик таҳлили ва унинг натижаларини ўрганиш бўйича этнологик сўровномалар ишлаб чиқилган;

чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ халқ тажрибаси, чорвани сақлаш, наслдорлигини ошириш ва даволашнинг анъанавий усулларини ўрганиш, шунингдек, туячилар ва йилқичиларнинг хўжалигига таъбиот туризмини ташкил этишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида, хусусан этнология соҳасида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, дала этнографик маълумотлари билан биргаликда архив ҳужжатлари, адабиётлардан фойдаланилгани, уларнинг аксарияти мавжуд воқеликка мос келиши, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатда гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган доимий ортиб бораётган талабни қондириш ҳамда бу билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг олдини олишга қаратилган ислохотларни амалга оширишнинг методологик-услубий, назарий хулосаларини ишлаб чиқишда ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда умумлаштирилган маълумотлардан чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор ҳамда лойиҳалар ижросини таъминлаш, мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистонда чорвачилик билан боғлиқ қарашларнинг ўзига хос этнолокал хусусиятлари акс этган дарслик, ўқув қўлланма, рисола, монографиялар ва йўл хариталари яратишда фойдаланиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах воҳаси аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимларини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Жиззах воҳасида анъанавий чорвачилик хўжалигининг қадимдан шаклланилигини, ҳайдов ва кўра (оғил) яйлов усуллари ривожланиб, йиллар давомида ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан боғлиқ чорвачиликка оид урф-одат ва маросимлари ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” ва “Этно” кўрсатувларининг бир неча сонлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 01-10-1807 ва 02-30-64-сон хати). Бу эса, чорвачилик анъаналари, урф-одат ва маросимлари аҳолининг ўзига хос этномаданиятининг бир бўлаги эканлигини кўрсатиб, республикада чорвачилик соҳасини мустаҳкамлаш орқали аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Жиззах воҳаси чорвачилиги, чорвачилик билан боғлиқ тарихий жой номлари, чорва орасида юқумли касалликлар тарқалганда кўриладиган

чора-тадбирлар, чорвадорлар фойдаланган таквимлар, захарли ҳашаротларга қарши қўлланилган даво усуллари, чорвачилик анъаналарининг ўзбек халқи маданиятида тутган ўрни ҳақидаги хулосалардан, шунингдек асрлар давомида маҳаллий аҳоли қўллаб келган иборалар, мақоллар, дostonлар, шеърлар ва халқ айтишувлари намуналаридан Халқаро “Олтин мерос” жамғармасининг ташкилий фаолиятида фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 01-12-05/04-22-сон маълумотномаси). Натижалар Жиззах воҳаси чорвачилигига оид турли тарихий-этнографик фестиваллар, халқ ижодиётига оид танловларни ўтказиш, номоддий мерос намуналарини ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритиш вақтида хизмат қилган;

аҳолининг чорва молларини (туйнак, овсил, қўтир, дамлаш касалликлари ва табиий дезинфекция ва католок) даволашда қўлланиладиган усуллари (ғиёҳлар билан даволаш, дам чиқариш, куйдириш, қон олиш) билан боғлиқ кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва анъанавий усулларига асосланган халқ табобати намуналари аҳоли орасида бугунги кунгача сақланиб қолinganлиги далилланган, йилқичиликни ривожлантириш, уларни маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб табиий йўллар билан кўпайтириш, отларда учрайдиган баъзи (туйнак, оёғига сув тушиши ва ем тушиши, нахуна, зарарли ҳашоратлардан тозалаш, табиий дезинфекция ҳк.лар) касалликларни халқ табобатига таяниб, даволаш усуллари таҳлил қилинган маълумотлардан Ўзбекистон Улоқ-кўпқари Федерациясининг ҳудудларга хос бўлган чорвачиликка оид назарий билимларни бойитиш ва оммалаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Улоқ-кўпқари Федерациясининг 12 май 2022 йилдаги 345-сон маълумотномаси). Бу эса кенг халқ оммасининг “Улоқ-кўпқари” ўйинларига бўлган қизиқишининг янада ошишига, миллий халқ ўйинларимизнинг жадал ривожлантирилишига, шунингдек, эгалланаётган зарурий билимларни ёш авлодга ворисийлик асосида етказилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 14 та, жумладан 3 та халқаро ва 11 та Республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, 2 та халқаро, 2 та республика журналларида ва 14 таси Халқаро ва Республика илмий-амалий конференцияларида мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар, ахборотчилар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси қисман ёритилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Чорвачиликни ўрганишга оид назарий-методологик ёндашувлар ва мавзу тарихшунослиги**” деб номланган биринчи бобида дунёда кўчманчи чорвадор аҳоли вакиллариининг хўжалиги шаклланишида турли жихатларнинг аҳамияти таҳлили, ўрганилаётган масаланинг тарихшунослиги, шунингдек, Жиззах воҳасида чорвачилик хўжалигининг таркиб топишининг тарихий-этнографик асослари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Ушбу бобнинг “**Чорвачиликка оид назарий-методологик ёндашувлар таҳлили**” деб номланган биринчи параграфида чорвачилик асослари турли этнографик ёндашувлар кесимида, мисол учун, эволюционизм, диффузионизм, географик детерминизм ва бошқа методологик назариялар талқинида очиб берилган.

Турли хўжалик турига асосланган жамиятларнинг шаклланишига оид қарашлар дастлаб эволюционизм назарияси воситасида талқин қилинди. Эволюционизм назарияси асосларининг шаклланиши ва ривожланишида Э.Тайлор, Л.Морган, Г.Спенсер, Ж.Фрезер, А.Бастиан каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. Мисол учун, Э.Тайлор ўзининг “Ибтидоий маданият”³ -деб номланган асарида инсоният маданиятининг ривожланиши ҳар бир худуднинг яшаш тарзига боғлиқ равишда турлича кечганлигини таъкидланади. Унинг қарашларида “инсоният табиатнинг бир бўлаги бўлганлиги учун ҳам табиий қонуниятлар асосида ривожланади”, -деган ғоя муҳим ўрин эгаллайди.

XIX асрнинг сўнгида эволюционизм назария ўз ўрнини диффузионизм назариясига бўшатиб берди. Назариянинг шаклланишида Ф.Ратцел хизматлари катта бўлиб, олим кўчманчи турмуш тарзида иқлимнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканлигини атрофлича таҳлил қилди ва табиий-иқлимнинг хўжаликнинг барча соҳаларига таъсирини батафсил тасвирлаб берди⁴. Бундан ташқари, “маданий худудлар”, “хўжалик-маданий типлар” ёки “тарихий-этнографик вилоятлар” каби тушунчалар айнан ушбу мактаб вакиллари томонидан фанга олиб кирилган ва ривожлантирилган.

³ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Издательства политической культуры, 1989.

⁴ Ратцель Ф. Земля и жизнь: сравнительное землеведение. –СПб., 1906. – Т. 2. –737 с.

Атроф муҳит ва табиатнинг жамият ривожигаги ўрни *географик детерменизм* концепциясида илгари сурилган бўлиб, унга кўра географик муҳит жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузилишини белгиловчи омиллардан биридир. Бу назарияни ривожига француз олими Ш.Монтескьё, рус олимларидан Л.Мечников, Л.Гумилев, Л.Грининлар тадқиқотларини⁵ келтириб ўтиш мумкин.

Географик детерминизмдан ташқари яна *демографик детерминизм*, *техник ёки технологик детерминизм* ва *экологик детерминизм* каби концепциялар ҳам ривожланган бўлиб, уларнинг тадқиқот объектлари бир бўлгани билан, тадқиқот предмети ва методлари ўзаро фаркланади.

Экологик детерминизм ҳам географик детерминизм концепцияси билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳолда ривожланган бўлиб, бу назариянинг асосий ғояси шундан иборатки, жамиятдаги ўзгаришлар атроф-муҳит, биринчи навбатда, табиий ўзгаришларга асосланади. Бу концепцияни ривожига Дж. Кларк, Э.Ле Руа Ладюри, С.Маретина, Э.Кульпин, Д.Прусаков, А.Кребер ва бошқаларнинг тадқиқотлари⁶ муҳим ўрин эгаллайди.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **“Тадқиқ қилинаётган муаммонинг тарихишунослиги”**, деб номланган бўлиб, мавзу доирасида бажарилган тадқиқотлар тарихишунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Тадқиқ этилаётган мавзуга оид илмий адабиётларни беш гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Воҳа тарихига доир қадимги даврдан то Россия империяси давригача яратилган манба ва адабиётлар; 2) Россия империяси мустамлакачилиги давридаги асарлар; 3) Совет даври тадқиқотлари; 4) Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар; 5) Чет давлатларда ушбу масалага доир адабиётлар.

Биринчи гуруҳ адабиётлари қадимги даврдан то Россия империяси босқинигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу ҳудуд чорвадор аҳолиси, аниқроғи Сирдарё бўйида чорвачилик билан шуғулланган аҳоли ҳақида дастлабки ёзма маълумотлар “Авесто”да⁷, Эрон шоҳи Доро I нинг Суза шаҳридаги подшоҳ саройи ёзувларида⁸, қадимги юнон тарихчиларининг

⁵ Раймон А. Часть первая. Основоположники. Шарль Луи Монтескье // Этапы развития социологической мысли = Les Étapes de la pensée sociologique. (1967) / общ. ред. и предисл. П.С. Гуревича. – М.: Издательская группа “Прогресс”–“Политика”, 1992. – С. 608.; Мечников Лев Ильич // Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / под ред. А.М. Прохорова–3-е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1969.; Вспоминая Л.Н. Гумилёва: Воспоминания. Публикации. Исследования / сост. и коммент. В.Н. Воронович, М.Г. Козырева; Мемор. Музей–квартира Л.Н. Гумилёва, Фил. Музея А. Ахматовой в Фонтанном доме. –СПб.: Росток, 2003. – С. 368.; Гринин Л.Е.Зависимость между размерами общества и эволюционным типом политики // История и математика: Анализ и моделирование социально–исторических процессов. – М.: КомКнига, 2007. – С. 263–303.

⁶ Кларк Дж.Г.Д. Доисторическая Европа. Экономический очерк. – М., 1953.; Ле Р. Ладюри Э. История климата с 1000 года. –Л.: Гидрометеиздат, 1971. – С. 280.; Маретина С. А. Эволюция общественного строя у горных народов Северо–Восточной Индии. – М., 1980.; Кульпин Э.С.Человек и природа в Китае / Э.С. Кульпин; АН СССР, Ин– Т востоковедения. – М.: Наука, 1990. – С. 247.; Прусаков Д. Б. Природа и человек в древнем Египте. – М.: Московский лицей, 1999. –240 с.; Кребер А.Л. Избранное: природа культуры. – М., 2004. – С. 1008.

⁷ Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. Archiv Orientalni, XXIV, 1956. – № 1. – С. 17.

⁸ Аскарлов А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – Б. 101.

асарларида⁹, Хитой йилномаларида¹⁰, шунингдек, ўрта асрларга тегишли маълумотлар араб географ ва саёхатчиларининг асарларида, З.М. Бобурнинг “Бобурнома” асарида, Махмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор фи манокиб ул-ахёр”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” асарларида¹¹ баён этилган.

Иккинчи гуруҳга кирувчи манба ва адабиётлар Россия империяси босқинидан то совет ҳокимиятигача бўлган даврни ўз ичига олиб, XIX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб Г.Аминов, Л.Костенко, А.Хорошхин, А.Шахназаров, В.Караваев ва бошқаларнинг¹² тадқиқотларида Жиззах воҳаси тўғрисида фрагментар маълумотлар келтирилган. Айрим мавжуд маълумотлар асосан турли ҳисоботлар, эсдаликлар ва статистик маълумотлар шаклида учрайди¹³. Иккинчи давр манба ва адабиётлари ҳам биринчи давр каби Жиззах воҳаси тўғрисида асосан умумий тавсифий маълумотлар келтиради.

Учинчи гуруҳ адабиётлари совет даври тадқиқотларини қамраб олади. Бу даврда, қолган икки даврдан фарқли равишда, ҳудудларни режали ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Средазкомстатис ташаббуси билан Марказий Осиёнинг кўп ҳудудларини режали асосда ўрганиш бошланди. Шундай махсус этнографик экспедиция XX асрнинг 20-30 йилларида Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон ва Жиззах уездларига ҳам уюштирилди. Жумладан, И.Зарубин бошчилигидаги экспедицион гуруҳ Жиззах уездининг Фориш, Синтоб, Қоратош, Накрут, Боғдон, Тўсин волостларига¹⁴, М.Андреев бошчилигидаги гуруҳ эса Нурота тоғ тизмаси ва унга туташ Қизилқум чўлига илмий экспедиция амалга оширди¹⁵. Шунингдек, жамоа хўжаликларидаги чорва моллари тури ва сони ҳақидаги маълумотлар турли статистик ҳужжатларда ҳам қайд этилган¹⁶.

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар аҳолисининг XX асрдаги анъанавий машғулоти турлари, савдо алоқалари, хўжалиги ҳақидаги маълумотлар

⁹ Геродот. История в девяти книгах. Книга четвертая. – М.: 1985. – С. 219–232.

¹⁰ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. – Т.: “Фарғона”, 2013. – Б. 80.

¹¹ Ибн Ҳавқал. “Китоб сураат ал-ард” [Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С. Камолиддин]. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2011. – Б. 70; Бобур Захириддин Муҳаммад Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989; Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история. [Перевод, предисловие, примечания А. Семенова]. – Т., 1956. – Б. 195.; Мир Муҳаммад Амини Бухорий. Убайдуллонаме. – Т.: 1957. – С. 55.; Сулейменов Б. С. Предисловие к “Море тайн, относительно доблестей благородных” // Материалы по истории казахских ханств XV–XVIII веков (Извлечения из персидских и тюркских сочинений). –Алма-Ата: Наука, 1969. – С. 320–328.

¹² Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г // СПб. 1871. – С. 16–17.; Хорошхин А.П. Кызыл-кумский дневник // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. –СПб. 1876. – С. 398–402.; Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб. 1908. – С. 512; Караваев В.Ф. Голодная степ в прошлом и настоящем. Статистика–экономический очерк. –СПб.: Литография Н.Л. Нарькина,–Петербург, 1914.; Кастанье И.А. Древности Ура – Тюбе и Шахристана // ПТКЛ. Год двенадцатый. – Т.: 1915. – С. 44.

¹³ Материалы для статистики Самаркандской области 1887–1888 гг. Вып 1. –Самарканд, 1890. – С. 148.

¹⁴ Зарубин И. Население Самаркандской области (Численность, этнографический состав и территориальное распределение). – Ленинград: Изд. – во Акад. наук СССР, 1920. – С. 32.

¹⁵ Андреев М. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область в 1921 г // Изв. Туркестанского отдела Русского географического общества. Т. XVII. – Ташкент, 1924. – С. 121–140.

¹⁶ Экономический справочник Узбекской ССР по районам. – Т.: 1937. – С. 34–39.

Б.Кармишева, К.Шониёзов, И.Хидоят, Н.Борозна¹⁷ сингари тадқиқотчиларнинг асарларида, шунингдек, турли тўпламларда¹⁸ атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, С.Токарев, Л.Толстова, О.Сухарева, М.Бикжанова, М.Сазонова, Г.Снесарев каби бир қатор олимларнинг тадқиқотларида аҳоли қорвачилигига оид маълумотлар келтирилган. Совет даврида ижод қилган этнограф олимлар орасида К.Шониёзов¹⁹ ва Х.Тошевнинг асарлари²⁰ ҳудуд қорвадорларига хос бўлган турмуш тарзи, урф-одат ва маросимларини очиклашда муҳим аҳамият касб этади. Учинчи давр изланишлари ҳудуд кўлами ва қамрови, аниқлик даражаси, изланишларнинг чуқур ва кенглиги, тавсифий кўринишдан таҳлилий даражага кўтарилгани билан характерланади.

Тўртинчи давр тадқиқотлари гуруҳига мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр этилган адабиётлар тааллуқли бўлиб, бу даврда бошқа ҳудудларни тадқиқоти қаторида Жиззах воҳасини ҳам тарихи ва моддий маданиятини ўрганиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу масалада тадқиқот ишларини олиб борган соҳа вакиллари қаторида М.Пардаев, А.Грицина, Ф.Тошбоев, Ф.Максудов, Ж.Ғофуров каби археолог-қадимшуносларни ёдга олиш керак²¹.

¹⁷ Кармишева Б. Узбеки – локайцы Южного Таджикистана. Вып. 1. Историка – этнографический очерк животноводства. – Сталинабад: ТИИАЭ АН ТадССР, 1954. – С. 83–118.; Кармишева Б., Пешерева Е. Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта // СЭ. – М., 1964. – С. 22–23.; Шаниязов К. Узбеки – карлуки (историка – этнографический очерк). – Т.: Наука, 1964. – С. 68–79.; Хидоят И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. Сборник статей. – Т., 1965. – С. 124–133.; Н.Борозна Социалистические преобразования в хозяйстве и быт узбеков-дурменов долины Кафирнигана и Бабатагских гор. – Автореф. дис. кан. ист. наук. – М.: МГУ, 1966. – С. 5–19.

¹⁸ Некоторые черты традиционной свадебной обрядности узбеков – дурменов южных районов Таджикистана и Узбекистана // СЭ. – М.; 1969. – № 2. – С. 83.; О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // СЭ. – 1970. – № 2 – С. 138–139.; Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – С. 87–98.; Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно – культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1975. – С. 188–193.; Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 21–25.; О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно – денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С. 114–134.

¹⁹ Шаниязов К. Традиционное животноводство узбеков Среднего Зарафшана // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т.: “Фан”, 1972. – С. 53–68.; Ўша муаллиф: Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – Ленинград, 1973.

²⁰ Тошев Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши (тарихий – этнографик очерк). – Т.: “Фан”, 1987. – Б. 53–82.

²¹ Пардаев М. Қўй ва бўри руҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Т.: 1995, – № 1. – Б. 42–46.; Ўша муаллиф: Қадимги Жиззах воҳасида ўтроқ дехконлар ва кўчманчи қорвадорлар маданияти // ЎММТ – № 33. – Т., 2002. – Б. 146–153; Пардаев М., Ғофуров Ж., Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). – Т., 2016. – Б. 241–247.; Грицина А.А. Изучение курганов в Сырдарьинской области // ИМКУ–Самарканд, 1997. – № 28. – С. 75–78.; Ўша муаллиф: Кочевники в Уструшане (на примере изучения курганов в Сырдарьинской и Джизакской областях) // Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. –Самарканд, 2005. –С. 186–195.; Тошбоев Ф., Пардаев М., Грицина А. Изучение Гульбинского могильника // Культура кочевников Центральной Азии. –Самарканд, 2008. –С. 184–189.; Тошбоев Ф. Икки хил хўжалик ягона иқтисодий тизим // Ўзбекистон археологияси. – № 1. – Т.: “Фан”, 2010. – Б. 170–178.; Пардаев М.; Тошбоев Ф. 2008–2009 йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар хусусида // Археологические

Мустақиллик йилларида ҳудудлар тарихига бағишланган асарлар чоп этилган бўлиб, уларда ҳам Жиззах воҳаси чорвачилигига оид турли маълумотларни олиш мумкин²². Бундан ташқари, Ҳ.Ҳайдаров, Қ.Усмонов, Т.Салимовнинг асарларида²³ чорвачилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар кенг ёритиб берилган.

Сўнгги йилларда ҳимоя қилинган диссертация ишларидан Ф.Акчаев ва А.Бабабековларнинг тадқиқот ишларида²⁴ Жиззах воҳасининг тоғли ҳудудлари кўчманчи чорвачилик хўжалиги ҳақида сўнгги маълумотлар келтирилади. Мустақиллик даврида ўрганилаётган воҳа чорвачилик хўжалиги ва маданиятига доир бир қатор муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, С.Турсунов, Т.Пардаев, А.Аширов, О.Бўриев, Э.Қабулов, Я.Турдимуратов, Б.Одиловларнинг диссертацион тадқиқотларида²⁵ Ўзбекистоннинг турли минтақалари аҳолисининг анъанавий чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ маросимлар таҳлил қилинган. Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар Жиззах воҳаси тарихида чорвадорлар маданияти қолган уч даврга нисбатан кенгрок ёритилгани билан ажралиб туради.

Бешинчи гуруҳ адабиётларига хорижда нашр этилган тадқиқот ишлари киритилган бўлиб, Жиззах воҳаси чорвадорларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари ушбу тадқиқотларнинг объекти бўлмасада, мавзуга тегишли қатор масалалар XIX асрдан бошлаб бу изланишларда акс эта бошлаган. Мисол учун, Е.Мейендорф, Х.Вамбери, инглиз саёҳи Ю.Скайлер, Дж. Фрезер, В.Мартиннинг асарларида²⁶ Марказий Осиё, хусусан, Жиззах воҳаси чорвачилиги тўғрисида маълумотлар келтирилади.

исследования в Узбекистане 2008–2009 года. – № 9. Самарканд, 2012. – Б. 137–142.; Тошбоев Ф. Кўрпасой мазоркўрғонлари // Археологические исследования в Узбекистане 2008 – 2009 года. – № 9. – Самарканд, 2012. – Б. 143–147.; Ўша муаллиф: Уструшона халқларининг ҳарбий қуроллари ҳақида дастлабки мулоҳазалар // Ўзбекистон археологияси. – № 7. – Самарканд: 2013. –Б. 66–73.; Максудов Ф. Ўрта асрларда тоғли Уструшона кўчманчи маданияти. Тарих фанлари доктори (DSc) дисс.. автореферати. – Т., 2020.

²² Фориш тумани (Фориш туманининг 60 йиллигига бағишланади). [Нашрга тайёрловчи Нобўта Худонов]. Қомуслар Бош таҳририяти. Тошкент 1996. – Б. 34–44.

²³ Салимов Т.Ў. Нурота ва нуроталиклар. Монография. – Тошкент, “Университет”, 2019. –Б. 69–79.

²⁴ Акчаев Ф.Ш. “Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари. Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дисс. – Т., 2020. – Б. 47–49.; Бабабеков А.Д. XX асрда Ўзбекистон тоғли туманларида этноиктисодий жараёнлар (Сангзор–Зомин минтақаси мисолида). Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. автореф. – Т.: 2021.

²⁵ Турсунов С. Развитие аграрного сектора экономики Узбекистана в 1946–1965 гг. Автореф. докт. канд. ист. наук. – Т., 1995.; Пардаев Т. Ўзбекистон кишлок хўжалигини кимёлаштириш (60–йиллар): аҳоли ва муаммолари: Тарих фанлари номзоди... дисс. – Термиз, 1998.; Аширов А. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида қадимги диний эътиқодлар изи. Тарих фан. номз... дисс. – Т., 2000.; Аширов А.А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар. (Фарғона водийси материаллари асосида). Тарих фанлари доктори дисс... – Т., 2008.; Қабулов Э.А. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Тарих фанлари доктори (DSc) дисс... Т., 2019.; Турдимуратов Я.А. XX асрда Сурхон– Шеробод воҳаси ареал хўжалик маданияти (чорвачилиги мисолида). Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс автореф. – Т., 2019.; Одилов Б.А. XIX аср иккинчи ярми–XXI аср бошлари тадқиқотларида ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги масалалари. Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. – Т., 2019. – Б. 21–94.

²⁶ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. – М.: “Наука”, 1875. – С.182; Вамбери А. Очерки по Средней Азии. – СПб, 1865; Путешествие в Бухару. – М., 1886. – 12–174; Фрезер

Диссертациянинг “**Жиззах воҳаси аҳолисининг анъанавий чорвачилик хўжалиги**” деб номланган иккинчи бобида чорвачиликда қўйчилик ва қорамолчиликнинг аҳамияти, шунингдек, аҳоли ҳаётида юк ҳайвонларининг тутган ўрни ёритилган.

Иккинчи бобнинг дастлабки параграфи “**Анъанавий чорвачилик хўжалигининг шаклланиши ва унинг локал хусусиятлари**”ни очиб беришга бағишланган. Унда Жиззах воҳасининг тоғ, тоғ олди ва чўл минтақаларида чорвачилик хўжалигини тараққий этиши учун яратилган шарт шароитлар, унинг бошқа ҳудудлар билан фарқли томонлари ва ўзига хос жиҳатлари таҳлили келтирилган.

Ҳудудда чорвачилик ўзининг узоқ йиллик эволюцияси мобайнида *хонаки чорвачилик, яйлов чорвачилиги, доимий кўчиш ҳудудлари аниқ бўлган, илк баҳордан кеч кузгача давом этадиган мавсумий ихтисослашган кўчманчилик* каби босқичларни босиб ўтган. Марказий Осиё аҳолисида чорва хўжалигининг тарихан шаклланган учта тури: *кўчманчи (кўчма ва ярим кўчма) чорвачилик, яйлов чорвачилиги ва қўра (оғил) чорвачилиги* кенг оммалашган²⁷.

XX аср бошларида Жиззах воҳасининг тоғли туманларида ярим кўчманчи чорвачилик хўжалиги оғил, оғил-ййлов, ҳайдов-ййлов каби чорвачилик типларига ажралган. Кўп сонли чорвани боқиш учун зарур бўлган яйловлар ўзининг табиий шароити ва фойдаланиш характериға қараб қуйидаги турларға бўлинган: *биринчиси*, тоғ бағри ва чўл яйловлари, яъни пастки тоғ олди ва чўл ҳудудларидаги кузги, кишги, баҳорги яйловлар; *иккинчиси*, ўрта тоғ ҳудудларидаги баҳорги, ёзги, кузги, яйловлар; *учинчиси*, юқори тоғ ҳудудларидаги ёзги яйловлар.

Воҳада кенг ёйилган чорвачилик тури *стационар* (атрофдаги яйловларға) кўчиш кўринишида бўлиб, улар минтақанинг кўпроқ деҳқончилик воҳаларига яқин ҳудудларида кенг ёйилган. Воҳада чорвачиликнинг *қўра (оғил) яйлов усули* ҳам кенг оммалашган бўлиб, бугунги кунда воҳа чорвадорларининг катта қисми шу усулда ўз молини сақламоқда. Жиззах воҳасида чорвачиликнинг **кўтон қамов усули** ҳам мавжуд бўлиб, ундан асосан аҳоли гавжум ва чорва учун яйлов етарли бўлмаган жойларда фойдаланилган. Бу каби усулда унча кўп бўлмаган чорва далаларға ва яйловларға доимо чиқарилмай, аксарият ҳолларда уй шароитида боқилади.

Бугунги кунда яйловларни тиклаш ва анъанавий хўжаликларни сақлаб қолиш бўйича ҳукумат томонидан бир қатор ишлар амалға оширилмоқда. Ҳусусан, “Яйловлар тўғрисида қонун”²⁸нинг қабул қилиниши орқали яйловларни давлат томонидан муҳофаза қилиш дастури ишлаб чиқилди.

Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон бошқа чорва гўштиға нисбатан кўпроқ қўй гўштини истеъмол қилувчи ҳудуд бўлганлиги учун ҳам

Дж. Золотая ветвь. – М., 1986. – С.703; Martin V. Law and custom in the steppe: the Kazakhs of the Middle Horde and Russian colonization in the nineteenth century. – Curzon, 2001. – P. 21.

²⁷ Поляков С. П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. – М.: 1980. – С. 44.

²⁸ <https://lex.uz/docs/4344714.20.02.2022>.

қўйчилик соҳаси бу ерда яхши ривожланган²⁹. Ўзбекистонда 1950 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ҳамма қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида қорамол, от, туя ва эшаклар атиги 33 % бўлгани ҳолда, қўй ва эчкилар 67 % ни³⁰ ташкил қилган.

Қўйчилик соҳаси *кўчма чорвачилик* ва *яйлов чорвачилиги* шаклида ривожланган. Кўчма чорвачиликда-қўйлар йил давомида мавсумий яйловларда, яйлов чорвачилигида эса қишлоққа қарашли доимий яйловлар, қишлоқ атрофидаги экинзорлар ва чўл минтақаларида боқилган³¹.

Яйлов чорвачилигида чорва боқилувчи ҳудуддан турли мақсадларда фойдаланилган. Мисол учун, яйлов чорвачилигининг **ҳайдов усули**да қўйлар турар жойлари, яъни қишлоқлар атрофидаги яйловлар экиндан бўшаган ерларда боқилган. Бундай шароитда маҳаллий аҳоли чорванинг орқасидан кўчиб юрмаган. Қўйчиликнинг **қўтон-яйлов** усулидан, асосан аҳоли гавжум ва чорва учун яйлов етарли бўлмаган жойларда фойдаланилган. **Уй чорвачилиги**да эса қўйлар унча кўп бўлмаган ва улар чорва далалари ва яйловларга доимий равишда чиқарилмаган. Аксарият ҳолларда улар уй шароитида боқилган.

Яйловда биринчи навбатда қўтон қурилган. Чорвачиликда қўтоннинг аҳамияти катта бўлиб, қиш фаслида қўйлар учун ётоқ вазифасини ўтаган. Қашқадарё воҳасида асосан қўтоннинг жануб томони доимо махсус ҳолда усти очик қолдирилган. Чунки иншоатнинг жануб томонидан доимо қуёш нури кириб, уни иситиб турган³². Бу анъана Жиззах воҳасига ҳам хос бўлиб, ҳудудда кўрага қуёш нури тушиши жуда муҳим ҳисобланган. Чунки, зах жойда турли кассаликлар тез авж олган ва бу ҳолат чорвани нобуд бўлишига сабабчи бўлган.

Жиззах воҳаси аҳолиси қўйларни ёшига қараб турлича атаганлар. Масалан, қўй ёши тишига қараб аниқланган, яъни қўй “шишак” бўлгунича қўзи тишлари жойида турган. “Шишак”ка чиққандан кейин ўртадаги икки тиши тушиб, ўрнидан катта тишлар ўсиб чиққан. “Чори”га чиққанда катта тишлари 4 та, “панжи” бўлганда олдидаги барча тишлари катта тишларга айланган³³.

Бугунги кунда воҳанинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида асосан *қозоқи ва жайдари қўйлар* боқилади. Жайдари қўйлар думбали қўйлар ҳисобланиб, кўчқорлари 60-80 кг, совлиқлари 40-60 кг гача тош босади. Жайдари қўйлар воҳанинг иқлим шароити ва турли хил касалликларга чидамли бўлганлиги учун ҳам кўплаб хонадонларда боқилган³⁴. Зомин ва Бахмал туркларида думбали қўйларнинг жайдари ва қозоқи турларидан ташқари, қозоқи ва ҳисори қўй чатишмасидан вужудга келган (*турк*) *турлари* боқилади. Яқин

²⁹ Кияткин П.Ф. Ўзбекистонда қўйчилик. – Тошкент, ЎЗДАВНАШР, 1952. – Б. 4.

³⁰ Кияткин П.Ф. Ўзбекистонда қўйчилик... 1952. – Б. 4.

³¹ Шаниязов К.Ш. Отгонное животноводство у узбеков. – Ленинград, 1973. – С. 37.

³² Ачилов К. Ўзбек халқ меҳнат қўшиқлари (Қашқадарё вилояти материаллари асосида). Филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. – Тошкент, 1974. – Б. 65.

³³ Дала ёзувлари. Арнасой тумани, Ғофур Ғулом маҳалласи. 2021 йил.

³⁴ Икромов Т.Х. Чорвачилик асослари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996. – Б. 143.

вақтларгача воҳанинг чўл ҳудудларида қўйларнинг асосан *қоракўл тури* боқилган. Бугунги кунда улар Фориш туманининг давлатга қарашли баъзи фермаларида сақланиб қолган. Қўйлар нафақат зоти, жуни ва турига кўра, балки тана ва думба тузилишига қараб ҳам турлича номланган. Воҳа қўйлари “капкир думба”, “ойна думба” ва “шалпи думба” каби турларга бўлинган³⁵. Жиззах қўйчивонлари совлиқларга бели ва бўйни узун, “капкир думба”ли қўчқорларни танлаб қўшган. Бугунги кунда наслчиликни ривожлантириш учун Сурхондарёдан ҳисори қўчқорларни олиб келинмоқда. Қозоқи қўй ва ҳисори қўчқорларни чатиштириш натижасида олинаятган қўзилар йирик ва соғлом, энг асосийси бозоргир бўлади³⁶.

Иккинчи бобнинг **“Чорвачилик хўжалигида қорамолчилик ва аҳоли турмуш тарзида юк ҳайвонларининг ўрни”** деб номланган иккинчи параграфда Жиззах воҳаси аҳолисининг ҳаётида қорамолчиликнинг аҳамияти турли дала тадқиқотлари асосида ёритилган.

Жиззах воҳаси чорвадорлари хўжалигида қорамоллар сони қўйларга нисбатан кўп бўлмаган. Бу аввало қорамолга озуқа йиғиш муаммоси билан боғлиқ эди. Чунки, қишда қорамоллар тўлиқ захира озуқа бериб боқилган. Ҳар бир чорвадор ўз хўжалигида қадимдан сигир сақлашга ҳаракат қилиб, улар учун оғилхоналар қурилган. Бундай муносабат қорамолдан олинадиган сут, ёғ ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёж билан боғлиқ бўлган. Тоғ ёнбағрида яшовчи аҳоли ўз молларига қараш билан бирга тоғ этакларида яшовчи бошқа аҳоли қорамолларини ҳам маълум ҳақ эвазига боқиб берган. Бу анъана ҳозирги кунга қадар ҳам давом этмоқда. Одатда яйлов чўпонларига бир бош қорамол учун 1 кг гўштнинг пули миқдорида, бузоқлар учун эса 0,5 кг миқдорида иш ҳақи тўланган. Чўпонлар аҳолидан олинган ҳар битта қорамол учун масъулиятни ўз бўйнига олган (касалланиб ўлганлари ва бўри еганларидан бундан мустасно).

Воҳада бузоқларни номлаш билан боғлиқ турли урф-одатларни кузатиш мумкин. Жумладан, бузоқлар бир ёшга тўлгач, аҳоли томонидан улар жинсига қараб номланган. Эркак бузоқ (баъзи ҳудудлар шеvasида “бузов”) бир ёшдан кейин “тана”, уч ёшдан кейин “хўкиз ёки буқа” деб аталган. Урғочи бузоқ бир ёшдан “тана”, икки ёшдан сўнг “ғунажин” (айрим жойларда “қочар”) деб аталган. Биринчи марта болалаган урғочи молни “ғунажин”, икки бола туққандан кейин эса уни “сигир” деб аталган³⁷. Хўжаликда сақланадиган аксарият сигир ва хўкизларнинг зоти жайдари бўлган. Маҳаллий тур ўрта бўйли бўлиб, улардан нисбатан кам гўшт ва сут олинган.

Шунингдек, **аҳолининг турмуш тарзида юк ҳайвонларининг ўрни** қисмида асосан юк ҳайвонлари, уларнинг парвариши, турлари ва фойдаланиш ареали ёритилган бўлиб, Жиззах воҳасида йилқи аҳолини ишчи кучи билан таъминлашда муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилган.

³⁵ Дала ёзувлари. Фориш тумани, Ойтамғоли қишлоғи. 2021 йил.

³⁶ Дала ёзувлари. Пахтакор тумани, Самарқанд МФЙ. 2021 йил.

³⁷ Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Темирқadam қишлоғи. 2021 йил.

Жиззах воҳасидаги очиб ўрганилган археологик топилмалар³⁸, Сузмойилота, Нахраж ва Сиғомсой қоятош тасвирлари³⁹ воҳа аҳолиси учун йилқичиликнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлигини исботлайди.

Чорвачиликнинг қайси тури билан шуғулланишдан қатъий назар, ҳар бир хўжаликда отларга алоҳида эътибор қаратилган. Чорвадорларнинг ҳамиша узоқ сафарларда бўлишини ҳисобга олсак, от доимо улуғланиб, уни мукаддаслаштириш даражасига кўтарилганлигини кўриш мумкин. Уй шароитида улоқ-кўпқари ва транспорт отлари қолдирилиб, улар мос равишда кўпқари (улоқчи) ҳамда чўбир (ишчи) отлар деб аталган. Йилқини уй шароитида боқиш чорвадорлардан жуда машаққатли меҳнат талаб этиш билан бирга, кўп озукани талаб қилган. Шунинг учун ҳамманинг ҳам чорвачиликни бу тури билан шуғулланиш имкони бўлавермаган⁴⁰.

Маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги ҳудудида қорабайир, лақай, туркман, миёнқол ва кам сонли араби зотли отлар мавжуд бўлган. Улардан қорабайир зотли отлар кўпчиликлари ташкил этган. Қорабайир зотли отлар қозоқи зотли от билан чатиштирилиб ўзбек оти, миёнқол, ургут оти номли зотли отлар олинган. Ўзбек оти асосан юк ташиш учун мўлжалланган⁴¹. Жиззах воҳасида отларнинг қорабайир зоти қадимдан машхур ҳисобланган. Чунки Туркистон тоғларининг шимолий ён бағирлари, Нурота, Моргузар тизмаларининг салқин табиати, яйловлар бойлиги қадимдан бу ҳудудларни йилқилар маконига айланишига сабаб бўлган. Шунинг учун бўлса керак, баъзи-бир манбаларда қорабайир зотли отнинг ватани-Жиззах, деб таърифланади⁴².

Отларнинг таснифи тўғрисида фикр юритилса, Жиззах воҳаси аҳолиси хўжалигида йилқичиликда учрайдиган махсус атамалари мавжуд бўлган. Минилмаган урғочи йилқи-той (дашт мавзеларда калта-той), тўрт ёшга тўлгани-дўнан, эркак йилқи-от ёки ғўнон, урғочиси-байтал, тойчоғи борибия, насл берадиган эркак от-айғир, насл бермайдигани-ахта, насл бермайдиган байтални-бевод, зотдор, чопқир отни-тулпор ёки арғумоқ, оддий отни-чўбир деб аташган⁴³. Отлар нафақат ёши, хусусиятлари балки, рангига қараб ҳам таснифланган. Воҳада отнинг рангига қараб-бўз, саман,

³⁸ Тошбеков Ф.Э. Отлар билан боғлиқ удумлар ўзбек халқининг қадимий қадрияти сифатида // Сам ДУ ахборотномаси. – Самарқанд, 2008. – № 6 (52). – Б. 23–26.

³⁹ Холматов А., Хўжаназаров М. Жиззах воҳаси янги қоятош расмлари // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида. Республика илмий – амалий конференция материаллари. – Жиззах, 2020. – Б. 14.

⁴⁰ Тошев Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон Ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий... – Б. 72.

⁴¹ Шаниязов К. Основное отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно – культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М.: “Наука”, 1975, – С. 190–191.

⁴² Оға Бургутли. Човқартовдан тушган одамлар. – Т., 2001. – Б. 17.

⁴³ Тошев Х. Зарафшон водийси чорвадорларининг турмуш ва маданияти (тарихий – этнографик очерк). Тарих фанлари кандидати илмий даражаси учун тақдим этилган дисс. – Тошкент, 1968. – Б. 140.; Пардаев А. Жиззах беклиги – Марказий Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан – XIX асрнинг 60 – йилларигача). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 128.; Хўжамбердиев Т. Ўзбек тили чорвачилик лексикаси (Фарғона водийси материаллари мисолида). Филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 1974. – Б. 79.

жийрон, тўрик, чагир, кашка, қора байир, кўк, темир кўк, оқёл ва бошқа турлари фарқланган. Отларга ном қўйишда ҳам уларнинг ранги ва хусусиятларидан келиб чиқиб ном қўйилган. Ўлкада етиштирилган отлар ўзининг турли сифатлари билан машҳур бўлган. Уларнинг воҳа аҳолиси ҳаётида тутган ўрни бекиёс бўлиб, ҳозирги вақтга қадар тоғ ва тоғ олди ҳудудларида асосий транспорт воситаларидан бири сифатида ардоқланиб келинмоқда. Отларни парвариш қилиш билан боғлиқ билимлар эса авлоддан-авлодга ўтиб, ҳозирга қадар яхши сақланиб қолган.

Туячилик чорвачиликнинг муҳим соҳаси бўлиб, транспорт сифатида ҳам, гўшт ва сут маҳсулотлари ҳамда терисининг аҳамияти жиҳатидан ҳам эътиборлидир. Туячилик асосан чўл ва дашт ҳудудларида яхши ривожланган. Туялар тана тузилишига кўра фарқланиб, икки ўрқачлилари **бактрион**, бир ўрқачлилари эса **дромедар**⁴⁴, деб номланади. Бухоро амирлиги ҳудудида туянинг икки хил зоти кўпайтирилган: *бир ўрқачли (қизил туя)* ва *икки ўрқачли (айри туя)*. Бир ўрқачли урғочи туя-арвона, эркаги-лўк деб номланган бўлса, икки ўрқачли урғочи туя-инган, эркаги-бор⁴⁵, дейилган.

Ўтмишда Жиззах воҳаси аҳолиси Мирзачўл, Қизилқум ва Нурота тоғларига туташ ҳудудларда туялар боққан. Воҳада туячилик кўпроқ ярим кўчманчи, қисман ўтрок ўзбекларда, шунингдек, Мирзачўл ва Қизилқум қозокларида учраган. Туялар турли мақсадларни кўзлаб, кундалик турмушда юк ташиш, қудуқлардан сув тортиш, хўжалик ишларида фойдаланиш учун, шунингдек, сут, гўшт, жун ва териси учун ҳам боқилган. Туядан 15 литргача сут олиниб, ёзда чалоб (айрон) тайёрланган. Доимий шифобахш ичимлик сифатида қимрон тайёрланган. Туя жуни ҳам ҳаридоргир бўлиб, жунидан кийим-кечак, шунингдек, турли хўжалик эҳтиёж буюмлари тикилган.

Туячилик бугунги кунда Жиззах воҳасининг Зомин, Мирзачўл ва Фориш туманларида сақланиб қолган. Бу ерда кўпайтирилади туяларнинг “арвона” ва “нормая” зоти бўлиб, улар иссиқ ва совуққа чидамли, икки йилда битта туғади. Туя йил бўйи далада юриб озикланади. Унинг сеvimли озуқаси янтоқ ҳисобланиб, туя учун махсус қишки озуқа йиғилмаган.

Траспорт воситалари орасида эшак ҳам ўзининг ўрнига эга бўлган. Жиззах воҳасида эшаклардан юк ва транспорт ҳайвони сифатида кенг фойдаланилган. Бу ҳайвон иссиқ ва совуққа чидамлилиги, озуқа танламаслиги билан камбағал аҳоли хўжалигига мос келган. Улардан хўжалик ишларининг барчасида: улов сифатида, юк ташишда, ерни омочлашда, донни янчиш ва ташишда кенг фойдаланилган. Эшаклар чўпон ва карвончиларнинг ҳам доимий ҳамроҳи бўлган⁴⁶.

Диссертациянинг учинчи боби “**Жиззах воҳаси аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ урф-одад ва маросимлари**” деб номланган. Ушбу бобнинг “**Таомларда чорва маҳсулотларининг ўрни ва улар билан боғлиқ**

⁴⁴ Холмирзаев Д. Йилкичилик ва туячилик. – Самарқанд, 2009. Б. 144.

⁴⁵ Қобулов Э. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги... – Б. 185.

⁴⁶ Салимов Т.Ў. Нурота ва нуроталиклар... – Б. 78.

одамлар” номли биринчи параграфиди Жиззах воҳаси аҳолисининг таом пишириш, сақлаш ва тайёрлашга оид тажрибалари таҳлил қилинган.

Чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг кундалик озиқ-овқатларини табиийки, чорвадан олинадиган сут ва сут маҳсулотлари ҳамда гўшти таомлар ташкил этган. Чорвадор аҳоли ҳаётида оклик, яъни сут-қатикнинг ўрни юксак баҳоланади⁴⁷. Чоравдор аҳоли кундалик ҳаётида қаймоқ эрталабки таом сифатида дастурхонга тортилган⁴⁸. Сигир сути ҳар бир инсон кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутган. Айниқса ёш болалар, қариялар ва касалликларга чалинган кишилар учун сутнинг ўрнини бошқа маҳсулот билан алмаштириб бўлмайди⁴⁹.

